Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 21 апрель, пайшанба № 77 (21.681). Сотувда эркин нархда.



ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАҲБАРИ ЛИ ПЭННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ



СУРАТДА: музокаралар пайти.

ТОШКЕНТ. 19 апрель, соат 10.00. Ўзбекистон Миллий боғи. Сафарнинг иккинчи куни жаҳон мумтоз адабиёти намояндаси, буюк ўзбек шоири Мир Алишер Навоий хотирасини ёд этиш билан бошланди. ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн Республикамиз Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида буюк бобокалонимиз пойига гулчамбар қўйди.

Шу ерда юксак мартабали меҳмонни қутлаш учун чиққан шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Ли Пэн жаноблари Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстона муносабатлар равнақи хусусида сўзлаб, Ўзбекистон келажакда шу юртнинг баҳорий чечакларидек гуллаб-яшнашига ишонч билдирди.

* * *

10.30. Халқлар дўстлиги саройи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик истиқболи муҳокама қилинди.

Сўнгра музокаралар делегация аъзолари иштирокида давом эттирилди.

Ислом Каримов кўпгина масалаларда Ўзбекистон ва Хитой раҳбариятининг фикри бир хил эканини мамнуният билан қайд этди. Хусусан, Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам ўзаро тенгликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни равнақ топтиришни истайди. Мустақилликка эришган собиқ совет республикалари ичида Ўзбекистоннинг биринчи бўлиб Хитой давлати билан бордикелдини йўлга қўйгани, албатта, икки ўртадаги азалий ва улуғвор дўстликнинг натижасидир. 1992 йилнинг март ойида Ўзбекистон раҳбариятининг Пекинга ташрифи чоғида йигирмага яқин ҳужжат имзоланган эди. Бугунги кунда улар ҳаётга татбиқ этилиб, ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, ҳозир республикамизда 78 та Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланмоқда. Аммо Хитой сингари буюк давлатнинг катта имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Икки давлат ўртасида маҳсулот айирбошлаш, Хитойда ишлаб чиқарилаётган товарларни мамлакатимизда, Ўзбекистон маҳсулотини Хитойда намойиш этиш учун келгусида ташқи савдо кўргазмаларини ташкил этиш ҳар икки томоннинг манфаатига хизмат қилади. Қолаверса, икки мамлакат тадбиркорларининг ҳамкорликдаги фаолиятини янада яхшилашга аҳамият бериш лозим. Маданий алоқалар янада ривожланиши керак.

— Хитойда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бизни анчадан буён қизиқтиради,— деди Ислом Каримов.— Ўз вақтида бундай қизиқишимиз туфайли танқидга ҳам учраганмиз. Бугунги кунда бошқа мамлакатлар ҳам Хитойдаги ҳаётий ўзгаришларни ўрганишга киришди. Бу ҳол Ўзбекистоннинг Хитой билан ҳамкорлик муносабатлари аниқ ва узоқни кўзловчи сиёсатга асосланганини яна бир карра исботлайди.

ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн ўзи бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистон заминида самимий кутиб олингани учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. Қадимда юртларимизни «Буюк ипак йўли» боғлаб турган бўлса, Ислом Каримовнинг 1992 йил мартидаги ташрифи ҳудудий қамровлардаги фарққа қарамасдан дўст ва қалин қўшни ҳисобланган Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига янги саҳифалар ёзди, деди меҳмон. Ўзбекистон билан халқаро йўналишдаги муносабатларимиз мос келади. Дарҳақиқат, Хитой жаҳонда тинчлик тарафдори ва ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тинчликпарвар сиёсатини қадрлайди ҳамда қўллаб-қувватлайди. Ҳозирги кунда Хитойда теран иқтисодий янгиланишлар жараёни бормоқда. Шундай экан, ҳукуматнинг тинчликпарвар ташқи сиёсати мамлакат ичкарисидаги ўзгаришларга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Узоқ йиллар мавжуд бўлган собиқ иттифоқ даврида унинг таркибидаги республикалар орасида яқин муносабатлар юзага келди. Хитой Ўзбекистоннинг ушбу республикалар, жумладан Россия билан йўлга қўйётган ҳамкорлик алоқаларини табиий ҳол, дея ҳисоблайди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий алоқалар кўнгилдагидек ривожланмоқда. Хитой Оролни қутқариш учун инсонпарварлик ёрдами сифатида маблағ ажратиш ниятида. Келгусида ҳам Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни давом эттираверамиз.

— Ўзбекистон — ёш ва қадимий давлат ўз мустақиллигининг дастлабки йиллари вақтинчалик қийинчиликларни бошидан кечирмоқда,— деди Ли Пэн. — Аммо унинг келажаги порлоқ, бойлиги кўп, замини серҳосил, саноати бақувват. Яқин орада республикангизни илғор ва гуллаб-яшнаган давлатлар сафида кўришимга ишончим комил.

х х х

Музокаралар сўнгида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Хитой давлатлари ўртасида кредит, халқаро иқтисодий ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат ўртасида ҳаво транспорти алоқаларини йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Музокаралар ҳамда ҳужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, К. Тўлаганов, М. Усмонов, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Шунингдек, тадбирларда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан ҳозир бўлди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Ислом Каримов ва Ли Пэн журналистлар билан суҳбатлашди.

— Хитойда ҳам, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислоҳотлар ўтказиляпти, — деди Ли Пэн. — Шу нуқтаи назардан қараганда, бизда умумий жиҳатлар кўп. Аммо бу ҳол иккала мамлакат ҳам тараққиётнинг бир хил йўлидан боради, деган маънони билдирмайди. Чунки Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти бор, Хитойда ҳам худди шундай. Лекин биз бир-биримиздан ўрганишимиз керак. Ўтмишда «Буюк ипак йўли» мамлакатларимиз халқларини бир-бирига боғлаб турган. Эндиликда биз янги буюк ипак йўлини барпо этишимиз лозим. Бизнинг дўстлик алоқаларимиз аждодларимизникидан ҳам мустаҳкамроқ бўлади, деб умид қиламан. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига, Тошкент шаҳри аҳолисига самимий дўстлик ва эҳтиром туйғуларини изҳор этаман.

— Хитой — буюк мамлакат, — деди Ўзбекистон Президенти. — Биз бу мамлакатдаги катта ижобий ўзгаришларни диққат билан кузатиб турибмиз. Хитойда амалга оширилаётган ислоҳотлар фақат бизнинггина эмас, балки бутун дунёнинг диққат-эътиборини жалб этмоқда. Чунки ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисмини озиқ-овқат билан таъминлаган, уларнинг фаровонлиги учун курашаётган, юксак иқтисодий ўсиш суръатларига эришаётган давлат юксак эҳтиромга сазовор. Айни пайтда Хитой ўзининг улкан имкониятлари билан Осиёда, жумладан Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшиши мумкин. Ли Пэн жанобларининг мамлакатимизга ташрифини қизғин муборакбод этамиз. Икки мамлакат ўртасида бугун имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларимизда янги саҳифа очади, деб умид қиламан.

* * *

16.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар зали. Бу ерга халқ нойиблари, республика вазирликлари, идоралари раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти жамоатчилиги вакиллари, хорижий мамлакатларнинг Тошкентдаги дипломатик ваколатхонаси ходимлари Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн билан учрашувга тўпландилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов очди. У хитойлик мўътабар меҳмон ва унинг рафиқасини йиғилганлар номидан муборакбод этди. Сўнгра сўз Ли Пэнга берилди.

— Кейинги икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Президент Ислом Каримов ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг раҳбарлари мамлакатимизда бўлишди,— деди Хитой ҳукумати раҳбари. — Энди эса мен жавоб ташрифи билан келдим. Ўз сафаримни гўзал Ўзбекистондан бошлаганимдан мамнунман. Бундан кейин Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистонга бормоқчиман. Яқин тарихда Хитой ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўртасида бундай мунтазам мулоқотлар бўлмаган. Бу ҳол ана шу давлатлар тарихида янги давр бошланганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёдаги нуфузли давлатлардан биридир. Мамлакатингиз қадимий маданиятга ва катта иқтисодий имкониятларга эга. Кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш йўлидан дадил бормоқда. Сизга бу йўлда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Нотиқ Хитойда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатдаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истиқболи ҳақида сўзлади.

Учрашув сўнгида Ислом Каримов самимий тилаклар учун Хитой ҳукумати раҳбарига миннатдорлик изҳор этди. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар икки халқ манфаати йўлида бундан кейин ҳам мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди.

* * *

20 апрель куни Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн жаноблари республикамиз Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюрди.

Ислом Каримов ва Ли Пэн заводнинг ишлаб чиқариш цехлари билан танишдилар. Самолётларни йиғиш жараёнининг гувоҳи бўлдилар. Бирлашма ишчилари билан суҳбатлашдилар.

Корхона ҳовлисидаги ҳали бўёғи қуриб улгурмаган Ил-76 ТД ҳамда Ил-114 самолётлари Ли Пэн жанобларида ҳам, делегация аъзолари ва хитойлик журналистларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзининг шонли тарихига эга. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, корхона ҳозир ҳам тўла қувват билан ишлаяпти. Хитой Халқ Республикаси мазкур бирлашманинг фаол буюртмачиларидан бирига айланди. Бу ерда тайёрланган самолётлар бугунги кунда Хитой ҳаво йўлларида муваффақиятли парвоз қилмоқда. Бундай самолётларни яна харид қилиш учун тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда. Хитой келгусида Ўзбекистон самолётсозлари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Хитой Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн жанобларининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга ва бу ташриф самолётсозлик соҳасидаги ҳамкорликни ҳам юқори поғонага кўтариш шубҳасиз. Журналистлар билан янги самолёт зинасиёнида бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ислом Каримов ва Ли Пэн шулар хусусида фикр билдирдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОВИ ОЛИИЛАРИГА

Жаноби олийлари, мамлакатингиз ҳудудидан жўнаб кетар эканман, бизга кўрсатилган эҳтиром ва дўстона меҳмондўстлик учун Хитой ҳукумати ва Хитой халқи номидан Сизга ва ҳукуматингизга самимий миннатдорлик изҳор этаман. Мамлакатингизга қилган ташрифим тўла муваффақият билан якунланди. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига ишончим комил.

Сиз жаноб олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайман!

Мамлакатингизга гуллаб-яшнаш ва қудрати ортишини, халқингизга эса — бахт-саодат, фаровон ҳаёт тилайман!

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари
Ли ПЭН.

1994 йил, 20 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ВАЛЮТА НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Чет эл валюталаридаги операцияларни тартибга солиш, экспорт қилишдан олинган валюта тушумлари устидан амалий назорат ўрнатиш ва товарлар ҳамда хизматларни импорт қилишни амалга оширишда ундан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш учун квоталар бошқа юридик шахсларга сотилмайди, берилмайди ёки қайта тақсимланмайди;

Ўзбекистон Республикаси корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг экспорт-импорт операциялари бўйича хорижий шериклар билан ўзаро ҳисоб-китобларни фирмаларнинг чет эл банкларидаги счётлари орқали амалга оширишлари тақиқланади ва қонун бўйича жазоланади.

2. Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахсларининг экспорт-импорт ҳамда бошқа валюта операциялари бўйича хорижий валютадаги маблағлари ҳаракати устидан назорат Марказий банк ва вакил қилинган банкларга, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда юклатилсин.

3. Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги валюта тушумларини қайтаришнинг ва унинг давлатга тегишли улушини тўлашнинг белгиланган тартибини бузганлик учун жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан жиноий ва бошқа жавобгарлик чораларини белгилаш бўйича таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ҳукуматнинг илгари қабул қилган қарорларини, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштиришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1994 йил 20 апрель.

* * *

(Ушбу фармонга илова 2-саҳифада эълон қилинмоқда).

МИННАТДОРЛИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Бошимизга ғам-кулфат тушган, табиий офат асоратлари билан машаққатли кураш олиб бораётган шу оғир кунларда биз ўзимизнинг ёлғиз эмаслигимизни ҳис этдик. Сиз қардош халқлар одатига содиқлигингизни намойиш қилиб, биринчи бўлиб кўмакка келдингиз. Бунинг учун Сизга, Сиз орқали бутун ўзбек халқига самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Ҳалок бўлганларни ҳаётга қайтариб бўлмайди, албатта. Бироқ, бошқа қурбон берилмаслиги учун қўлимиздан келган барча ишни қилиш — бизнинг муқаддас вазифамиздир. Биз бу машаққатли курашда енгиб чиқишимизга ишонамиз. Ёнимизда қардошларимиз елкадош бўлиб тургани бизга шундай ишонч бахш этади.

Камоли эҳтиром ила

А. АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Уш вилояти аҳолиси ва ўз номимдан эътиборингиз ҳамда табиий офатдан жабр кўрганларга ҳамдардлик билдирганингиз учун, шахсий ташаббусингизга биноан Андижон ва Фарғона вилоятлари томонидан берилган инсонпарварлик ёрдами учун Сизга самимий миннатдорлигимни изҳор этаман. Бу олижаноб ишда ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги қардошлик муносабатлари яна бир бор намоён бўлди. Ўзбек қардошларимиз кўрсатган биродарлик ёрдами кишиларимиз қалбида миннатдорлик туйғуларини уйғотади, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошликни янада мустаҳкамлайди, дея ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила

А. ЭРКАБОЕВ, Уш вилояти ҳокими.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Президент жаноблари!

Франция тадбиркорлари миллий кенгаши делегациясининг Тошкентга ташрифи пайтида мени қабул қилганингиздан беҳад миннатдорман.

Қабул пайтида бизга ислоҳот дастурлари бўйича қимматли маълумотлар бердингиз. Бунинг учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этаман.

Мен Ўзбекистонда бўлганимда унинг иқтисодий аҳволини ва мамлакат салоҳиятини ўз кўзим билан кўриб, ватанингиз келажаги порлоқ эканига, келгусида улкан муваффақиятларни қўлга киритишига ишонч ҳосил қилиб қайтдим.

Ўзбекистондан олган таассуротларим билан франциялик давлат арбоблари ва мутахассисларнинг кенг оммасини таништириш ниятидаман. Сизнинг Франция билан айниқса иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истагини билдирганингизни ўзимнинг турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган дўстларимга етказишимни алоҳида таъкидламоқчиман.

Шуни айтишим керакки, кўплаб француз корхоналари шу бугундан эътиборан мамлакатингиз билан тўғридан-тўғри ва узоқ муддатли ҳамкорликка тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Вазирларингиз томонидан ташкил этилган қабуллар ҳам жуда самимий вазиятда ўтди ва биз улар билан бўлган суҳбатларни давом эттириш умидидамиз.

Президент жаноблари, Сизга бўлган самимий эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Филип Жискар Д'ЭСТЕН,
Франциянинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича миллий кенгаши президенти, Франция тадбиркорлари миллий кенгаши вице-президенти, «Томсон С. А.» халқаро кенгаши президенти.

ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАҲБАРИ ЛИ ПЭННИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн 1994 йил 18—20 апрель кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан музокаралар олиб борди. Икки мамлакат раҳбарлари дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ишонч муҳитида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш масалалари, шунингдек иккала томонни ҳам қизиқтираётган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан батафсил фикрлашиб олдилар. Ўз мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Томонлар музокаралар якунидан қониқиш ҳосил қилганларини баён этдилар.

Томонлар иккала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган пайтдан буён амалга оширилаётган сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг ривожланишидан мамнундирлар, улар мазкур соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга интилаётганликларини таъкидладилар.

Томонлар Хитой билан Ўзбекистон тинч-тотув яшашнинг беш принципига оғишмай амал қилиши, узоқ муддатга мўлжалланган ва барқарор яхши қўшничилик муносабатларини, дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорликни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш икки мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос келади ҳамда Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Томонлар бундан буён ҳам икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни, жумладан, маҳаллий маҳкамалар ва корхоналар ўртаси-

(Давоми иккинчи бетда).

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАҲБАРИ ЛИ ПЭННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

СУРАТЛАРДА: аэропортда кузатиш пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЛИ ПЭН ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэннинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди. 20 апрель куни у Тошкентдан жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни кузатиш маросими бўлди. Маросимда ҳарбий фахрий қоровул саф тортди. Ҳар икки давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов рафиқаси билан Хитой ҳукумати раҳбари Ли Пэн ва унинг рафиқасини кузатиб қолди.

Мамлакатимиз раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Ли Пэннинг ташрифи ғоят самарали бўлганини айтди.

— Имзоланган ҳужжатлар ҳар икки давлат ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик ривожига улкан ҳисса қўшиши шубҳасиз, — деди Ислом Каримов. — Бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида дўстона алоқаларимизни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ва Хитой ўртасида замонавий Ипак йўлини яратиш борасидаги фикрларимиз муштарак экани маълум бўлди. Ташрифи сўнгида Ли Пэн жаноблари Ўзбекистон ва унинг халқини қайта кашф этганини алоҳида таъкидлади.

Кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хеньгуан ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАҲБАРИ ЛИ ПЭННИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

даги бевосита алоқаларни янада ривожлантиришларини, уларнинг ҳуқуқий негизини ва иқтисодий ёрдамчи тармоқларини такомиллаштиришларини, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг турли шаклларини ривожлантириш учун тағин ҳам қулай шароит яратишга куч-ғайрат сарфлашларини якдиллик билан баён қилдилар. Томонлар замонавий Ипак йўлини барпо этиб, ҳамкорликни мустаҳкамлайверадилар. Шунингдек, икки ёки кўп томонлама битимларни ишлаб чиқиш мақсадида авиация, темир йўл ва автомобилда юк ташиш имкониятларини кенгайтириш масалалари юзасидан маслаҳатлашиб туришга келишиб олинди.

Иккала томон ҳам Осиё — Тинч океани минтақасидаги вазият кескинликнинг камайиши ва барқарорлик сари бормоқда, деб ҳисоблайди. Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туриш мазкур минтақадаги ва бутун дунёдаги мамлакатларнинг умумий манфаатларига мос келади. Иккала томон ҳам Осиёдаги вазият ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур минтақадаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун куч-ғайрат сарфлашга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар. Томонлар Осиё минтақасидаги кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликка ижобий муносабатда бўладилар.

Томонлар Марказий Осиё мамлакатларида сиёсий барқарорликни ва иқтисодий юксалишни қўллаб-қувватлаш мазкур минтақа халқларининг туб манфаатларига мос келибгина қолмай, Осиёда ва бутун дунёда тинчликни сақлаб туриш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар. Хитой томони Президент Ислом Каримов баён этган Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдек эзгу истакни маъқуллайди, Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматларининг ўз мамлакатларида ва минтақада аҳволни барқарорлаштиришга, шунингдек, миллий иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Томонлар ҳар икки мамлакат раҳбарлари ўртасида доимий мулоқот ва алоқаларни сақлаб туриш муҳим аҳамиятга молик, деб билади ва бундай мулоқот ва алоқаларни янада мустаҳкамлашга тайёрдир.

ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн ўзи ва ҳамроҳларини самимий кутиб олгани ва меҳмондўстлиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига чуқур миннатдорлик билдирди.

ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэмин номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасига боришга таклиф этди. Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги Фармонига ИЛОВА

ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ВАЛЮТА НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва «Сўм-купон»нинг харид қувватини ошириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар» тўғрисида 1994 йил 11 апрелдаги 195-сон қарорига мувофиқ корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар (бундан кейин корхоналар деб аталади) томонидан ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишда чет эл валютасидаги маблағларнинг ҳаракатини назорат қилишнинг қуйидаги тартиби белгиланади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси корхоналари, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, чет эл валютасидаги счётни фақат Ўзбекистоннинг вакил қилинган банкларида очишлари мумкин.

Очиладиган счётнинг режими корхонанинг асосий фаолият турига ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганликка боғлиқ бўлади.

Ҳар бир корхонага валюта счёти вакил қилинган банк муассасаларининг фақат биттасида очилиши мумкин.

Хизмат кўрсатувчи вакил қилинган банкда кредит ресурслари етишмаган тақдирда корхона мазкур банк билан келишган ҳолда бошқа исталган вакил қилинган банкдан кредит олиши мумкин.

2. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятидан олинган чет эл валютасидаги барча маблағлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган тартибда уларнинг чет эл валютасидаги счётларига албатта ўтказилиши керак.

II. ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА КОНТРАКТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

3. Корхоналар томонидан уларнинг хорижий, шу жумладан, МДҲ мамлакатларидаги шериклар билан лицензия бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти юзасидан тузадиган контрактлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши керак.

4. Экспорт контрактларининг ҳаммаси истисносиз, шу жумладан, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказилганлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган тартибда вакил қилинган банкда ҳисобга олиниши керак.

5. Товарларни экспорт қилувчи корхоналар юкнинг божхона декларациясида хорижий шериклар билан ҳисоб-китоблар унинг орқали амалга ошириладиган вакил қилинган банкнинг реквизитларини ва тўлиқ номини кўрсатадилар.

6. Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойда тегишли вакил қилинган банкларга экспорт юкларни чегарадан ташқарига чиқаришга асос бўлган юкнинг божхона декларациялари реестрларини, экспорт қилувчи корхонанинг номини, жўнатилган товарларнинг номи ва миқдорини, уларнинг чет эл валютасидаги қийматини ва тўлов шаклини кўрсатган ҳолда тақдим этади.

7. Вакил қилинган банклар реестрлар асосида экспорт қилувчилар счётига тушумларнинг тўлиқлиги, ўз вақтида тушганлиги ва тўғрилигини ҳар куни назорат қилиб борадилар.

Вакил қилинган банклар тўловларнинг белгиланган муддатда тушмаганлиги ёки реестрларда кўрсатилгандан кам суммада тушганлиги ҳоллари тўғрисида Давлат солиқ қўмитасини тегишли чоралар кўриш учун ҳар ойда хабардор қилиб боришади.

8. Валюта (шу жумладан, МДҲ мамлакатлари валюталари) тушумини Марказий банкка назарда тутилган мажбурий сотиш экспорт қилувчи корхоналар томонидан валюта тушуми тушган кундан бошлаб 10 календарь кун мобайнида корхона топшириқномаси асосида, айни бир вақтда сотилган чет эл валютасининг «Сўм-купон»лардаги эквивалентини сотиш кунидаги жорий курс бўйича корхонанинг ҳисоб-китоб счётига ўтказган ҳолда амалга оширилади.

Сотиб олинган чет эл валютаси учун «Сўм-купон»лардаги эквивалентни корхонага тўлаш бўйича Марказий банкда қарз вужудга келган тақдирда миллий валютадаги қарз суммасига тўлов муддатини ўтказиб юборганлик учун Марказий банк томонидан белгиланадиган фоиз қўшилади. Бунда сотиб олинган чет эл валютасини «Сўм-купон» бўйича ҳисоблаб чиқариш қарз тўланган кунда амалда бўлган курс бўйича амалга оширилади.

III. ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9. Корхоналар юклаб жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тушумлар уларнинг счётларига ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушиши учун жавобгардирлар.

Бунда ўзбекистонлик экспорт қилувчилар томонидан олинган тушумни бошқа юридик шахслар фойдасига трансферабель аккредитивлар ва бошқа тўлов ҳужжатларини қўллаш йўли билан қайта бериш тақиқланади.

10. Корхоналар чет эл валютасидаги тушумни яширган ҳолларда Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, республиканинг молия ва солиқ органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида қуйидаги санкциялар қўлланади:

ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси мақомидан маҳрум қилиш;

чет эл валютасида барча операцияларни амалга оширишга олинган лицензиялардан маҳрум қилиш;

молиявий санкцияларни қўллаш ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланадиган миқдорларда маъмурий жарималар солиш;

қоидаларни бузган ёки валюта назорати ва тартибга солиш нормаларига риоя қилиниши учун тегишли чора-тадбирлар кўрмаган мансабдор шахсларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш.

11. Чет эл валютасидаги тушумни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатисиз хорижий банкларда очилган счётларга ўтказиш чет эл валютасидаги тушумни яшириб қолиш ҳисобланади.

12. Импорт қилинаётган товарларга ҳақ тўлаш корхонанинг Ўзбекистоннинг унга хизмат кўрсатадиган вакил қилинган банкдаги счётидан амалга оширилиши керак.

13. Экспорт-импорт операциялари бўйича тўловларни амалга оширишнинг асосий шакллари ҳужжатли аккредитив ва инкассо ҳисобланади.

Импорт контрактлари бўйича тўловларни банк орқали амалга ошириш фақат контрактда назарда тутилган аванс доирасида йўл қўйилади. Бунда аванснинг миқдори контракт қийматининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.

Авансни ўтказишга фақат импорт қилувчи корхонага хизмат кўрсатадиган Ўзбекистон вакил қилган корреспондент-банкнинг банк кафолати мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади.

IV. ВАКИЛ ҚИЛИНГАН БАНКЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

14. Вакил қилинган банклар контрактларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиниши, экспорт қилувчи корхоналар счётларига тушумнинг тушиши ҳамда импорт бўйича тўлов шаклларининг тўғри қўлланиши устидан назорат қилиниши учун жавобгардирлар.

15. Вакил қилинган банкларнинг нотўғри ҳаракатлари ёки ўз ваколатларини ошириб юборишлари оқибатида хоҳ давлатга, хоҳ чет эл валютасидаги счётлар эгаларига етказилган зарарлар ва зиён шу банклар томонидан мажбурий равишда қопланиши керак.

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

20 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида республиканинг айрим ҳудудларида ичимлик суви сифатини яхшилаш ҳамда аҳолининг экологик савиясини янада ошириш юзасидан мамлакатимиз ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида ўзаро ҳамфикрлик меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳужжатни Ўзбекистон томонидан республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Америка томонидан АҚШнинг мамлакатимиздаги муваққат ишлар вакили Майкл Матера имзолади.

Юртбошимизнинг ошкора сиёсати ва астойдил саъй-ҳаракатлари натижасида бугунги кунда Орол денгизи минтақасидаги экологик фожеага халқаро кўламда эътибор берила бошланди. Американлик экспертлар маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда Оролбўйи, хусусан, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласини яқиндан ўрганмоқда. Имзоланган ҳужжат республикамиз ҳукумати билан АҚШ халқаро тараққиёт маҳкамасининг биргаликдаги фаолияти натижасидир. У шубҳасиз, икки ўртадаги ҳамкорлик муносабатларига янги туртки беради.

(ЎзА).

• *ХДП: ўзаро мулоқот ва тажриба алмашиш*

Аввал хабар берилганидек, Оқолтин туманининг маркази — Сардоба қўрғонида Сирдарё ва Жиззах Халқ демократик партияси фаолларининг ўзаро тажриба алмашувига бағишланган мазмунли учрашувлари бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, ташкилий-сиёсий ишларни ҳозирги давр талаблари даражасига кўтариш юзасидан қизғин мунозаралар олиб боришди.

Қуйида ана шу учрашув иштирокчиларининг айримлари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, иш жараёнида орттирилаётган дастлабки тажрибалар, олдинда турган долзарб вазифалар ҳамда ечимини кутаётган муаммолар юзасидан билдирилган таклифларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ОБРЎНИ АМАЛИЙ ИШ БЕЛГИЛАЙДИ

Гуландом СУБҲОНОВА, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашининг биринчи котиби:

— Марказий Кенгаш тавсиясига биноан икки қўшни вилоят партия фаолларининг мазкур учрашуви айни муддао бўлди. Партиявий ишда ўз қобиғига ўралиб қолиш ҳеч қачон яхшиликка олиб бормайди, оқибат-натижада силжиш ҳам бўлмайди. Қўшниларимиз иш тажрибаси, улар фаолиятидаги янги қирралар бизларни қизиқтириши, шубҳасиз. Булар ҳақида юзма-юз ўтириб, дилдан гаплашганга ва ўзаро фикр алмашганга нима етсин.

Вилоятимизда бугунги кунда 18,5 минг Халқ демократик партияси аъзоси бор. Улар олти юздан ортиқ бошланғич ташкилот атрофига бирлашганлар. Биз партия ташкилотларининг обрў ва нуфузини ошириш, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш борасида қатор амалий тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Вилоят кенгаши аъзолари ҳар ойда бир туманда бўлиб, у жойдаги партия ташкилотлари ҳаёти билан обдон ва пухта танишишни йўлга қўйганлар. Жумладан, ҳар ҳафтанинг уч иш кунини биз бошланғич ташкилотларда ўтказаётирмиз. Шу йўл билан биз юздан ортиқ бошланғич ташкилотлар ҳаёти, фаолияти, ютуқ ва ташвишлари билан атрофлича танишиб чиқдик.

Партиямизнинг ташкилий даври ортда қолди. Энди халқимиз биздан янги ишлар, ижобий ўзгаришлар ва янги ҳаракатларни кутмоқда. Биз ана шуларга яраша иш юритмоғимиз, ўзимизни энди катта вазифаларга чоғламоғимиз лозим.

Собиржон УСМОНОВ, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби:

— Энди амалий ишларда ўзимизни кўрсатиш даври келди. Обрў иш билан белгиланади.

Биз вилоятда чорвачиликни ўз оталиғимизга олганмиз. Хўш, нега? Чунки вилоятда бу соҳа оғир аҳволда. Гўшт етиштириш деярли 25 фоизга, сут етиштириш эса 12 фоизга камайиб кетди. Шундай бир пайтда партия аъзолари, бошланғич ташкилотлар ўз куч-ғайрати, маҳоратини ана шу соҳаларда намоён этсалар яхши бўлар эди, деган мақсадда биз ишга қўл урганмиз.

Биз бу борада тегишли ҳокимликлар, агросаноат уюшмалари ҳамда хўжаликларнинг раҳбарлари билан ҳамкорликда иш олиб боратирмиз. Туман кенгашларининг котиблари, бошланғич ташкилотларнинг етакчилари ҳокимият томонидан чорвачиликни оғир аҳволдан олиб чиқиш юзасидан амалга ошираётган тадбирларда фаол қатнашиб келмоқдалар Биринчи котиблар чорвачилик бўйича тузилган штабларда иштирок этадилар. Кўп масалаларни ҳал этишда беносита қатнашадилар. Жумладан, кўпгина хўжаликларда чорвадорларга маданий-маиший шароит яратиш ва уларга ижтимоий ғамхўрлик кўрсатиш масалаларини ўз оталиғимизга олганмиз.

Вилоят кенгаши жойларда Президентимиз Фармонини тарғиб қилиш борасида тегишли ишлар олиб бормоқда. Жумладан, биз Шароф Рашидов тумани кенгашининг вилоят ҳокими дастурини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини тингладик ҳамда тегишли вазифаларни белгиладик. Бу йил ҳам вилоят ҳокими Президентимиз Ислом Каримовнинг вилоятимиз сессиясида сўзлаган нутқида кўтарилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан икки йилга мўлжалланган дастур эълон қилди. ХДП вилоят кенгаши эса ана шу дастурни оммага кенг тарғиб этиш юзасидан сиёсий ҳафталик ўтказди.

Вилоят кенгаши ўзининг партиявий-ташкилий ишларида ҳудудий ташкилотлар фаолиятига катта эътибор бермоқда. Ҳозир вилоятимизда 48 та йирик ҳудудий ташкилот мавжуд. Жумладан, яқинда биз Ширин шаҳар ҳудудий ташкилот раҳбарларининг ҳисоботини эшитдик, ташкилот фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни рўй-рост таҳлил этдик. Биз Бахт шаҳрида ҳам ана шундай йирик ҳудудий ташкилот тузаяпмиз. Бу борадаги ишларимизни ривожлантириб, туман кенгашлари қошида яна ўн бешта ҳудудий партия ташкилоти ташкил этамиз.

Равшан ТУЙЧИЕВ, ЎзХДП Фориш туман кенгашининг биринчи котиби:

— Туманимизда 82 та бошланғич ташкилот бор. 2084 нафар партия аъзосини ўз атрофига бирлаштирган. Партия ташкилотларининг ишларини уюштиришда ўз йўлимиздан бормоқдамиз. Яъни ҳудудий ўрнига ҳар қайси сайлов округида бошланғич ташкилот тузганмиз. Бу эса сайлов пайтида ишларимизда катта самара беради, деган умиддамиз.

Иккинчидан эса, ишлаб чиқаришдан ҳоли бўлган жойларда биз қишлоқ партия ташкилотлари тузганмиз. У ёки бу хўжалик ҳудудида жойлашган мактаб, касалхона, савдо ёки бошқа ташкилотларда ишлайдиган партия аъзолари ана шу қишлоқ партия ташкилотлари атрофида бирлашганлар.

Айдер САРСЕНОВ, ЎзХДП Зарбдор туман кенгашининг биринчи котиби:

— Партия ташкилотларимизнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишлари учун зарур бўлган чораларни кўришимиз керак. Бизнинг туман ташкилотимиз ҳам ўн бешта бошланғич ташкилотдан иборат. Улар —анча йирик ташкилотлар ҳисобланади. Ҳозирга қадар аъзоларимиз сони 1500 кишига етди. Биз ҳозирча иқтисодий жиҳатдан мустақил ҳисобланамиз. Агар кимки, бизнинг бу борадаги тажрибаларимиз билан қизиқса, марҳамат, туманимизга келиб, хоҳлаган нарсаларини ўрганиб кетишлари мумкин.

Даврон ҒОЗИБЕКОВ, ЎзХДП Боёвут туман кенгашининг биринчи котиби:

— Ҳокимликлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш керак, — деган таклифни қўллаб-қувватлайман. Бизнинг йўлимиз ҳам, мақсадимиз ҳам бир бўлиши керак. Ҳамкорликда, энг аввало, иш манфаатлари ётмоғи лозим.

Ҳозирги кунда партиявий ишларимизнинг таъсир доираси ва иш қирралари тобора кенгайиб бормоқда.

Саид КАРИМОВ, ЎзХДП Янгиер шаҳар кенгашининг биринчи котиби:

— Эндиликда ҳамкорликсиз олға силжиш мумкинмас. Ҳокимлар, ишлаб чиқариш раҳбарлари билан доимий мулоқотда бўлишимиз керак. Шаҳримиз бўйича ҳозир ўн саккизта ҳудудий ташкилот бор. Биз барча ҳудудларда мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларига амал қилаётирмиз. Вилоят ва шаҳар ҳокимлари, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси раҳбарлари ёрдамида Ховос билан Тошкент ўртасида кунига тўрт маҳал электр поезди қатнайдиган бўлди.

Қўшни икки вилоят партия фаолларининг ўзаро жонли мулоқот ва учрашувлари ғоят қизиқарли, фикр алмашувлар эса қизғин мунозаралар ҳамда баҳслар билан ўтди. Ҳар иккала вилоят вакиллари ўзаро тажриба алмашиш фойдали бўлганлигини таъкидладилар.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

НУРЧИЛАРГА ИССИҚ НОН

Яқинда Толлимаржон ГРЭСи қурувчилари истиқомат қилаётган «Нуристон» шаҳарчасида нон пиширадиган корхона ишга тушди. Бу ерда нафақат нон, балки турли-туман қандолат маҳсулотлари ҳам тайёрланади. Эндиликда нурчилар шу ернинг ўзидан пўрсилдоқ кулчалар харид қилиш имконига эга бўлдилар.

СУРАТДА: новвойлар Зокир Раҳмонов ва Сабоҳат Маҳамаджонова пиширган обнинонинг таъми оғзингизда қолади.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲОКИМ НЕГА АРИЗА ЁЗДИ?

Халқ депутатлари Қорақўл тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги, рўйхатдан ўтган ҳар учта кичик корхонадан бири ишламаётгани, савдо оборoти чорак баравар камайганини қайд этдилар. Кузги дон экиш барбод этилган, Охунбобоев номли «Кувача» ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида фермерлик ҳаракати талаб даражасида ташкил этилмаган. Тумандаги еттита мактаб авария ҳолатида экани, соғлиқни сақлаш тизимининг аҳволи мутасаддиларни ташвишга солмай қўйган. Ҳуқуқ-тартибот органларининг иши бўшаштириб юборилган. Туман ҳокими вилоят миқёсидаги йиғилишларда бу ҳақда бир неча бор огоҳлантирилган бўлса-да, тегишли хулоса чиқариб олмаган.

Сессияда ташкилий масала кўрилиб, Р. Собиров аризасига биноан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Мазкур туман ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Д. Тошев Қорақўл тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов сўзга чиқди.

(ЎзА).

• *Ибрат*

ПОЙТАХТДА БИР МАҲАЛЛА БОР

Собиржон ака Носиров Фурқат маҳалласига оқсоқол бўлганидан бери мактабни оталиққа олиб, ёшлар тарбиясига фаол аралашишни ўйлайди. Ниҳоят, ўтган йили бу орзуси амалга ошди — ҳудуддаги 236-ўрта мактаб маҳалла қўмитаси оталиғига олинди. Бу тадбир шунчаки ишни кўз-кўз қилиш мақсадида тузилмаганини асослаш учун мазкур долзарб вазифани бажаришга тажрибали фахрий муаллимлар, маърифий ва ҳуқуқий соҳаларни яхши биладиган фаоллар жалб қилинди. Бу гуруҳ мактаб маъмурияти, ота-оналар қўмитаси ва маҳалла участка инспектори билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришни режалаштириб янглишмаган экан. Тарбиявий ишда ижобий силжишлар сезила бошлади. Юқори синфлардаги тарбияси қийин ўқувчилардан ўндан зиёди алоҳида назоратга олиниб, уларнинг ҳулқ-атвори, дарсларга қатнашуви ва ўқишдан кейин қандай машғулотлар билан бандлигига алоҳида аҳамият берилди. Аҳлоқ доирасидан сал чекинган ўқувчи билан дилдан гаплашилди. Бунда унинг эътироз-мулоҳазаларига ҳам жиддий эътибор билан қаралди. Е. Тўхтахўжаева, Б. Олимов, Ҳ. Содиқов, Ў. Акбаров, С. Мирзакаримов сингари маҳалла фаоллари бу ишда айниқса жонбозлик кўрсатишди. Айни пайтда маҳаллада турли тартибсизликларнинг барҳам топаётгани сабаби ҳам ана шундан бўлса керак.

Шунингдек маҳалла қўмитаси турмуши ночор кишиларни ижтимоий муҳофаза қилишда қатор ишларни амалга ошираётир. Қаровчиси йўқ қариялар маҳалла қўмитаси фондидан кундалик озиқ-овқат билан таъминланяпти. Моддий қийналган оилалар фарзандларининг "сунат ёки никоҳ тўйларини ўтказишда ҳам қўмита меҳр-оқибатлилигини кўрсатмоқда.

Хуллас, саксон ёшли Собиржон ака Носиров бошчилигидаги қўмита аъзолари шу ҳудудда яшовчи 3,5 мингдан зиёд аҳолининг талаб-эҳтиёжларига яраша саъй-ҳаракат қилишмоқда. Ҳашар йўли билан тўртта автобус бекати қурилди. «Мардлик», «Муаллим» кўчаларига канализация тармоғи уланди. Ҳадемай, клуб қурилиши тугалланади. Ҳозирча тайёр бўлган хоналарда ўн нафардан ортиқ хотин-қиз тикувчилик билан шуғулланишмоқда. Келгусида маҳаллада болалар спорт майдончаси қурилиши режалаштирилган.

Маҳалла кўчалари бўйлаб юрар экансиз, ҳаммаёқ мевали дарахтлар билан бурканганлиги, саранжом-саришталиги, одамлар ўртасидаги самимийликни кўриб, кўнглингиз кўтарилади.

Убайдулла ҚОДИРОВ, ўқитувчи. Акмал Икромов тумани.

Кеча «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси биринчи котиби жаноб Ричард Хоаглэнд ташриф буюрди.

ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

Бош муҳаррир Азим Суюн меҳмонга газетанинг босиб ўтган тарихий йўли, мамлакатимизда мустақилликни мустаҳкамлашда матбуот нашрининг ўрни ҳақида гапириб берди, дипломат томонидан берилган саволларга жавоб қайтарди.

• Диққат, янгилик!

ЧИГИТ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ДАВОСИ ТОПИЛДИ

Ҳозирги кунда пахтакор деҳқонларимизни гоммоз, илдиз чириш касалликлари безовта қилмоқда. Сабаби, унга қарши қўлланиладиган препаратлар камёблиги ёки борларининг асосан бошқа мамлакатлардан валютага сотиб олиб келинишидир. Бозор иқтисоднётини бошдан кечираётган республикамиз деҳқонларининг четдан ана шундай препаратлар сотиб олишга имконияти йўқ. Шу сабабли республикамизда экиладиган чигитнинг бор-йўғи 30-40 фоизи гоммоз ва илдиз чириш касалликларига қарши дориланиб экилмоқда.

Мана шундай оғир дамларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўғитлар институти ҳамда Чирчиқдаги «Ким Стим» илмий-техник маркази олимлари профессор Султон Усмонов ва техника фанлари номзоди Ҳаётилло Исоқов бошчилигида «П—4» номли препарат яратилди. Ушбу мҳтиро 3 йил давомида пахта селекцияси ва уруғчилиги илмгоҳида, ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг лаборатория ва тажриба участкаларида, шунингдек мамлакатимизнинг бир қатор туман ва хўжаликларида муваффақиятли синовдан ўтди.

«П—4» препаратини синаб, текшириб кўрган мутахассислар билан ҳам суҳбат қурганимизда қуйидагиларни айтишди:

О. ҲАСАНОВ, — Пахта селекцияси ва уруғчилиги илмгоҳининг фитопотология лабораторияси мудири, биология фанлари номзоди.

— Биз 3 йил давомида «П—4» дорисини гоммоз, илдиз чириш касалликларига комплекс кучли таъсир қиладиган ва кўп йиллар республикамиз пахтачилигида қўлланилган фентиурам номли препаратга солиштириб ўргандик. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, бу препарат ҳам фентиурам сингари бир йўла таъсир этувчидир. Аммо гоммоз ва илдиз чириш касалликларига 1,5 баробаргача кучли таъсир қилади. Фентиурам инсон саломатлигига салбий таъсир қилади. Ўта заҳарли. Бунинг устига чет элдан валютага сотиб олинади. «П—4» препарат эса ўзимизда ишлаб чиқарилиши билан бирга арзон, заҳарсиз.

Э. ҲАСАНОВ, — Пахта селекцияси ва уруғчилиги илмгоҳининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

— Мен фитопотология лабораториясининг катта илмий ходими Ш. Бобоназаров билан 3 йил давомида «П—4» препаратини дала шароитида гоммоз ва илдиз чириш касалликларига қандай таъсир қилишини ўргандим. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, чигитга формалин билан ишлов берилган майдонларда гоммоз билан зарарланиш 27,7 фоизини ташкил қилган бўлса, «П—4» билан ишлов берилган майдонларда бор-йўғи зарарланиш 0,8 фоиз бўлди. Тажриба ўтказилган майдонларда фенеголик кузатув чигитни экишдан тортиб то ҳосилни йиғиб олгунча давом этди. Ҳосилдорлик 3,5—3,8 фоизга ортди. Шунга асосланиб «П—4»да стимуляторлик ҳоссаси ҳам бор, деб тўла ишонч билан айтишимиз мумкин.

Биз мутахассис сифатида «П—4» препаратини кенг пахта майдонларида қўлланилса, республикамизнинг улкан пахта хирмонига салмоқли ҳисса бўлади деган умиддамиз.

М. МИРСОАТОВ, — Тошкент вилояти Чиноз районидаги Й. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бош агрономи.

— Биз ҳам «П—4» препаратини хўжалигимизнинг Н. Юсуфалиев бошчилик қилаётган бригада майдонларида қўллаб кўрдик. Натижа ёмон бўлмади. «П—4» билан ишлов берилган майдонларда ғўза бир текис, эрта униб чиқди. Кўчат қалинлиги ҳам нормада бўлди. Формалин билан ишлов берилган майдонларда гоммоз касаллиги билан зарарланиш 20,5 фоизни ташкил қилган бўлса, «П—4» дори билан ишлов берилган майдонларда атиги 0,2 фоизни ташкил қилди. Ундан ташқари ғўза умуман илдиз чириш касаллигига учрамади, ҳосилдорлик 3-4 центнер ортиқ бўлди.

М. ХОЛДОРОВ, — Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот илмгоҳининг лаборатория мудири.

— «П—4» дорисини вилт касалликка таъсирини тигам препаратга нисбатан ўргандик. Текшириш натижасининг кўрсатишича «П—4» препаратини тигамга нисбатан вилт касаллигини қўзғатувчи вирусларга таъсири кучлироқ бўлар экан. Тигам препарати билан чигитга ишлов берилганда касалланиш 10 фоизни, «П—4» билан ишлов берилганда эса касалланиш 6-9 фоизни ташкил қилди. «П—4» чигитнинг унувчанлик қувватига, унувчанлигига салбий таъсир этмайди. Ишлатиш нормасига келсак 1 тонна чигитга тигам 10 килограмм кетса, «П—4» препаратидан бор-йўғи 3 килограмм сарфланади.

Э. Г. ГРИГОРЯНЦ, — Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот илмгоҳининг етакчи илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

— Мен «П—4» препаратини илдиз чириш касаллигига бўлган таъсирини ўргандим. Унинг афзалликларидан бири, ишлатиш нормаси тигамга нисбатан 3 марта кам. Шу билан бир қаторда касалликларга самарали таъсир қилади. Нархи арзон. Заҳарсиз. Катта майдонларда қўлланилса ўзини оқлайди деган умиддаман.

— П. РАСУЛЗОДА, — Республика Қишхўжкимё бошлиғининг биринчи ўринбосари.

— Республикамизда бу йил 100 минг тонна уруғлик чигит экилади. Шундан 20 минг тоннасини брототак препарати билан дорилаб экяпмиз. Бу препарат чигитдаги фақатгина гоммоз касалликка таъсир қилади, холос. Ёки тигам препарати ишлатилмоқда. У фақат илдиз чириши ҳамда вилт касалликларни қўзғатувчиларига таъсир қилади. Республикада юқорида айтилган касалликларга қарши қўлланиладиган препаратларнинг етишмаётганликларини ҳисобга олиб, кўпгина стимулятор моддалар ҳам ишлатилаётир. Жумладан: гумат натрий, «ПАВ—61» ва бошқалар. Бу препаратлар чигитни фақат барвақт униб чиқишига, ниҳолни тезроқ ўсиш ва ривожланишига имкон беради. Уларни гоммоз ва илдиз чириши касалликлари қўзғатувчиларига ҳеч қандай таъсири йўқ. Республикамизда ғўза касалликларига самарали таъсир этувчи дориларга эҳтиёж катта бўлиб турган бир пайтда ўғитлар институти ҳамда Чирчиқдаги «Ким Стим» илмий техник маркази олимлари томонидан ишлаб чиқарилган «П—4» препарат бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳамда мутахассислар хулосаларига кўра, гоммоз, илдиз чириш, вилт касалликларига биргаликда таъсир қилади. Таъсири жиҳатидан чет эл препаратлари билан тенглашади.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги республикада бу йил бу турдаги дориларнинг камёблигини ҳисобга олиб, «П—4» препаратини ҳам турли иқлим шароитларида Наманган, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида 7000 тонна чигитда синаб кўришга қарор қилди.

Маълум бўлишича «П—4» препарати билан чигитни дорилаш пахта заводларида қуйидагича амалга оширилади. Дориси турган идишдаги 65-70 фоизли эритма яхшилаб аралаштирилади, ундан 3,2-5 литргача олиб, ҳажми 20 литр бўлгунча сувда эритилиб, яхшилаб аралаштирилади. Тайёрланган эритма билан 1 тонна чигитга ишлов берилади.

«П—4» дорисини хўжаликларда дориланмаган уруғлик чигитга экишдан олдин қўллаш мумкин. 1 тонна тукли чигитни зарарсизлантириш учун 250—300 литр эритма талаб этилади. Яъни 1 тонна чигитни зарарсизлантириш учун 3,2—3,5 литр «П—4» препаратининг 65-70 фоизли эритмаси ишлатилади.

Зарарсизлантириш қуйидагича амалга оширилади; 1 тонна чигит иккала томони цементланган бетон латокка солинади. Ёки асфальт майдончаларда 30—35 сантиметр қалинликда ёйилган 1 тонна чигитга 250—300 литр дори эритмаси икки маротаба пуркалади. Сўнгра чигитга эритма яхши шимилиши учун уни пленка ёки брезент ёпилган ҳолда 2—2,5 соат димланади.

Уз-ўзидан «П—4» препаратини бошқа экинларга ҳам қўллаш мумкинми деган савол туғилиши мумкин. Ўғитлар олийгоҳининг катта илмий ходими А. Кодяков уни шолидаги илдиз чириш, фузариум ва ахлия вирусларига қарши қўллаб кўрди. Натижада таъсири МДҲ давлатидан олиб келинадиган поликарбациндан кам эмаслигини аниқлади. «П—4» генетика илмий-текшириш институтида ҳам шолининг юқоридаги касалликларига таъсири текширилди. Улар ҳам А. Кодяков олган маълумотларни тасдиқлашди. «П—4» препаратини дон экинларида ҳам илдиз чириш касалликларига қарши таъсир қилиши аниқланди. Ҳар бир тажриба шолида ҳам, донли экинларда ҳам, контрол поликарбацинга нисбатан солиштириб текширилди. «П—4» препаратини таъсири ҳам у билан тенглаша олишлигини аниқлашди.

«П—4» препаратини олиш учун хўжаликлар қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси 18-уй, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўғитлар институти тел: (3712) 33-39-50, факс 33-74-48, 702100. Чирчиқ, Менделеев кўчаси 8-уй «Ким Стим» илмий техник маркази, тел. (371-71) 5-27-10; 9-35-90.

Давра суҳбатини «Ўзбекистон овози» мухбири Маъмуржон ҚИЁМОВ олиб борди.



Уста пахтакорга аёнки, ҳосилнинг қай даражада кўп олиниши кўп жиҳатдан навига боғлиқ. Эндиликда Сурхондарёлик деҳқонлар ғўза навларини танлаш имконятига эга. 40 йилдан буён фаолият кўрсатаётган пахтачилик илмий-текшириш институтининг Терминздаги филиали ходимлари вилоятда кўп экиладиган иссиқсевар ингичка толали пахтанинг тезпишар, касалликка чидамли навларини яратиш борасида хайрли ишлар қилмоқдалар.

Ҳозир вилоят пахта пайкалларида улар томонидан яратилган Термиз—7, Термиз—14, Термиз—16 навлари экилмоқда. Яқиндан бошлаб эса Термиз—24 нави ҳам кенг кўламда экила бошланди. Термиз—24 нинг бошқа навлардан фарқи шундаки, ундан 33—34 фоиз тола чиқади, сентябрдаги теримдаёқ Термиз—16 навига нисбатан 5—6 центнер кўпроқ ҳосил олиш мумкин.

СУРАТДА: селекционерлар Евгений Гаврилов ва Аваз Авлоқулов.

И. Ҳўжаев (ЎзА) олган сурат.

ТЕРИМЧИ ТИКУВЧИ БЎЛДИ

Норали Боймуродов номли жамоа хўжалигининг Пайғам Каримов бошлиқ 10-бригадаси 66 гектар ерда деҳқончилик қилади. Аъзолари олтмиштадан нари-бери. Пахта етиштирадилар.

Асли-ку, олтмишта одам бригадага кўплик қилади. Нима, икки тракторчи, бешта мана мен деган сувчию ўн беш-йигирмата чопиқчи бўлса, ҳамма ишни уддалаш мумкин. Лекин кўз бор, қош бор, дегандай, иш сўраб келганларнинг райини Пайғамбой қайтаролмайди. Борини баҳам кўрамиз, дейди. Ахир нима қилсин, қаерга ҳам борсин, одамлар шу ердан, шу бригадирдан умидвор-да.

Энди яқинда шу қишлоқнинг ўзида содир бўлган янгиликни эшитинг: афғонистонлик ишбилармон Раҳматулла Ғиёс ўғли билан сурхондарёлик ишбилармон — жамоа хўжалигининг раиси Маматқул Довудов қўлни қўлга бериб шу қишлоқда қўшма корхона очишди. Раҳматулла оғанинг Қурбонназар исмли йигирма яшар устаси зўр экан: одамлар гилам тўқийдиган темир дастгоҳни бир ярим—икки миллион сўмга тополмай юришибди. У бўлса тўрттта оддий харидан қўлинг ўргулсин дастгоҳни ясайди қўяди. Яна сомондан, кўк бедадан, ёнғоқнинг ва анорнинг пўчоғидан, руён ўсимдигининг илдизидан қуёшнинг нурини қайтарадиган бўёқлар тайёрлайди.

Дастгоҳ ва бўёқларни тилга олганимиздан бу корхонада гилам тўқилаётганини англагандирсиз, деб ўйлайсиз. Гиламнинг ҳам зўри тўқилмоқда: арқоғи оддий ипдан, ипи-ипакдан. Ярқиллайди. Бир квадрат метри жаҳон бозорида фалон доллар туради, деган гапга ишонгингиз келади. Тўқувчилар шу қишлоқнинг хотин-қизлари. Дастгоҳлар ҳозир икки хонада ўрнатилган. 40 киши ишлаяпти. Ишга қабул қилишларини сўраб яна икки юз киши навбатга ёзиб қўйилипти. Корхонага яқинда бир ярим тонна қора пўчоқ пилла келтирилди. Бу маҳсулот пиширилади. Қайта ишланиб, толаси йигирилади. Демак, гиламнинг «масаллиғи» ўзларидан чиқади. Бўёқ тайёрлаш цехи ишга тушади. Дастгоҳлар кўпайтирилади.

— Ажаб эмаски, бу ерда яқин олти ой ичида 250 киши ишлайдиган фабрика иш бошласа, — дейди Жарқўрғон туман давлат солиқ назорати бошқармаси бошлиғи М. Раҳматуллаев.

Яна бир янгиликни эшитинг: Жарқўрғоннинг маҳаллий саноати хорижга, аниқроғи, Москвага ўз маҳсулотини экспорт қила бошлади. Тумандаги ип-йигирув ва тўқимачилик фабрикаси бартер ҳисобига энди ўша ердан — ДАКА ҳиссадорлик жамиятидан эҳтиёт қисмларни ола бошлайди.

Дарвоқе, икки оғиз сўз шу фабриканинг Алишер Навоий номли жамоа хўжалигидаги цехи ҳақида. Цехаёллар ва болалар кийимкечагини жаҳон ўлчамларидан қолишмайдиган қилиб тикмоқда. Цех энди ўзининг дўконини очяпти. Фақат Жарқўрғонда эмас, бошқа жойларда ҳам. Цехнинг ишчилари кечагина маҳаллий матбуотда чевар теримчилар деб мақтаб келинган аёллар. Шулардан бири—Луқмонова Муҳаббат. Кунига юз килограммдан ошириб пахта тергани билан маоши табелчиникининг ярмига етиб етмай қоларди. Бугун шинамгина хонада тикув машинасини ишлатади. Ўзи чирой бериб тиккан кўйлакларни кўриб кўзи кувонади. Маоши ҳам чакки эмас. Иши — соатбай. Дам олиш соатларию дам олиш кунлари борлигини айтинг.

Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар «омин» дер эмиш. Жарқўрғон шаҳридаги маиший хизмат уйи «синди». Хом ашё йўқ, шароит йўқ дейишди-ю, ободгина корхонани абгор қилиб қўйишди. Шунда Шойманов Бўронбой деган қассоб, уйни менга сотинглар, мен обод қиламан, деди. Унинг яхши гапига фаришталар «омин» дегани рост бўлиб чиқди. Бир вақтлар тўрт-беш одамга иш топилмай қолган бу жойда ҳозир 40 тадан зиёд одам ишлаяпти. Масалан: уста Абсалом чарм тайёрлайди. Уста Ҳофиз маҳси тикади. Уста Борис, яна уч йилдан сўнг мен тиккан пойабзал Олмонияникидан кам бўлмайди, деб мақтанади.

Тан олиш керак: Жарқўрғонда шунга ўхшаш яхши ишлар қилиняпти. Масалан, «Оққўрғон» жамоа хўжалигининг йигирма яшар устаси шифонер, ҳатто гарнитур ясаётган бўлса, яна бир жойда диван, стол-стул, сандиқ, чўмич-қошиқ тайёрланяпти. Бир жойда ҳатто, табобат учун энг қимматли ашё — қўй-эчкининг ичаги ошланаётганлигини кўрдик. Бизга айтишларича, кейинги бир йилда бу ерда мингга яқин иш ўрни очилган. Айниқса, қишлоқ ёшларини ишга жалб қилишга эътибор яхши. Энди Жарқўрғонда мебелга зеб берадиган (полировка) цехи очилади. Бу ерда ярим мингга яқин ишчи кучи лозим бўлади. Қандолат цехи катта кўлам билан ишлай бошлайди. 16 тегирмон ишлаб турибди. Мойжувозлар қуриляпти.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕРАКЗОР ЁНИДАГИ БОҒ

1991 йили республика ҳукуматининг топшириғи билан кўпгина туманларда ўрмон хўжаликлари ташкил этилган эди. Жумладан, Жиззах вилоятининг Зафаробод, Ғаллаорол ва Арнасой туманларида ҳам шундай хўжаликлар учун ер ажратилиб, тегишли маблағ билан таъминланганди. Ҳозирги пайтда ана шу хўжаликларда аҳвол қандай?

Биз Яқинда Арнасой туман ўрмон хўжалигида бўлдик. Хўжаликнинг 150 гектар ери бўлиб, жамоада 15 киши ишларкан.

— Ўшанда ҳали Иттифоқ инқирозга юз тутмаган пайтлардаёқ юртбошимиз келажакни яққол кўра билган эканлар, — дейди хўжалик раҳбари Мелибой Андақулов. — Чўлқуварларимиз 96 гектар майдонга 500 минг туп терак ниҳоллари ўтқазган эдилар. Қўлимиздан келганича яхши парваришладик, бултур ва бурноғи йили хатоларини тўлғаздик. Ҳозир теракларимиз катта бўлиб қолди. Яна 3—4 йилда қурилишга ярайди.

Хўжаликда шу кунларда кўклам юмушлари қизғин. Бир томонда теракларнинг шохлари буталиб, бегона ўтларга қарши дорилар сепилса, бир томонда янги терак кўчатлари ўтқазилмоқда. Жамоа бу йил ҳам 30 гектар майдонга 150 минг туп терак кўчатлари ўтқазиб, ана шу теракзорлар ёнида 12 гектар мевали боғ бунёд этишга киришди.

Ўрмончилар теракларни буташтан олинган шох-шаббаларни ҳам ташлаб юборишмаяпти. Улардан ҳозиргача 500 мингга яқин қаламчалар тайёрлаб қўйишди. Бу — келгуси йилда сотиш учун шунча кўчат дегани.

Хўжалик аъзолари теракзорлар ичига бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишдан ҳам яхши даромад олмоқдалар. Улар бу йил камида 15 гектар майдондан ерёнғоқ, 20 гектар ердан қовунтарвуз олишиб, Русия, Украина, Белорусь ва бошқа мамлакатлар саноатчилари билан маҳсулот айирбошлайдилар.

К. ЖУРАҚУЛОВ.

ТАБИИЙ ОФАТГА ЙЎЛ БЕРМАЙМИЗ

ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҲОЛАТГА ҚАРШИ НАМАНГАН ИШОНЧЛИ ҒОВ ҚУРИЛМОҚДА.

ФАВҚУЛОДДА ВИЛОЯТИДА

Куз ва қиш фаслининг серёғин келиши оқибатида табиий офатнинг ўтган даврларга нисбатан бу йил кўпроқ содир бўлиши мумкинлиги аниқ бўлиб турибди. Шу туфайли вилоятда сел, тошқин сувлари ва тупроқ кўчишидан келадиган зарарни камайтириш борасидаги тадбирлар бошлаб юборилди. Январь ойидаёқ вилоят фуқаро мудофааси хизматлари ва эваукация қилиш комиссиясининг таркиблари қайта кўриб чиқилди. Тузилган тадбирларнинг тайёрларлиги ҳақида буйруқ чиқарилди. Учқўрғон, Ҳаққулобод шаҳарлари, Задарё, Норин, Учқўрғон туманларида фуқаро мудофаасининг команда — штабли комплекс ўқув-машғулотлари ўтказилиб, унда сув тошқини бўлганда кўриладиган чоралар ишлаб чиқилди. Аҳолига хабар қилиш учун алоқа воситалари қайта қурилди, хавфли ҳудудларда махсус постлар ташил этилди.

«Узбекгидрогеология»нинг Фарғона экспедицияси билан бирга ликда тупроқ кўчиш хавфи бўлган учта участкадаги хонадон эгалари ёзма равишда огоҳлантирилди. Ҳозирда улар хавфсиз жойларга кўчирилди. Бу зонада жамоат тартибини сақлаш ва буюмларни қўриқлаш ташкил этилди.

Вилоят шаҳар ва туманларида дарё, сой қирғоқлари, сув омборлари дамбаларидан сел келиши хавфи бўлган 149 участка аниқланиб, уларни мустаҳкамлаш ишларига одамлар, техника ва транспортлар ажратилди. 96 участкада мустаҳкамлаш ишлари якунланди, қолганларида ҳали ишлар давом эттирилаётир. Аҳоли яшайдиган пунктларда сув йўлидаги қувурлар алмаштирилиб, тошқин сувларнинг ўтиб кетиш йўллари тозаланди.

Хуллас, ваҳимага ўрин йўқ. Ҳамюртларимиз хотиржам бўлишлари мумкин. Кутилаётган табиий офатнинг йўлига мустаҳкам ғов қўйилмоқда.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ

Минг шукр, ўзбеклар знйрак, зеҳнли,
Бобул қалъасига ёнгт терганлардан.
Ҳаёли тонг каби нурли, заҳалли,
Хитой чиннисига ранг берганлардан.

Сен аҳил, иноқсан, дўппили деҳқон,
Сенсан юртда булоқ кўзин очгучи.
Омад уруғини ерга сочувчи.
Тўкин бўлсин дея уйда дастурхон,

Ҳа, бугун фермерсан, умидинг порлоқ,
Боғдод қиличидай кескирдир сўзинг.
Толеи йўлингни ёритган чироқ,
Шижоат кўкингда ёнган юлдузинг.

Хавотир олади мункайган холам,
Иш излаб шаҳарга кетган қизидан.
Элда ориятли фермер изидан,
Бугун мурувватлар кутади далам,

Алқисса, шоирлар мадад бергувчи,
Оташин сўзларни этсин намоён.
Бугун Ватанига тирган бўлгувчи,
Фермерлар ўзларни этсин намоён.

Тунда йўлчи юрган йўлни ёритган,
Само гумбазида сузгувчи ойдир.

Қайси юрт фермери бадавлат бўлса,
Олтин заҳирага ўша юрт бойдир.

Бир ҳикматни отам айтарди такрор:
«Фақат орзу билан тўлмас дастурхон».
Айт, дунёнинг қайси бурчагида бор,
Ўзбек деҳқонидай жафокаш деҳқон!!

Иқбол чўққисига чиқсин деб, элим,
Жасорат кўрсатсин алп Шерматларнинг.
Болалар кўйлагин тикмоқда «қўлим» —
Дея фахрлансин ҳар ширкатларнинг.

Меҳнатнинг роҳатли кунн келганда,
Фермер палов есин мойлари билан.
Умиди мусаффо тонгдай кулганда,
Тулпор отлар минсин тойлари билан.

Голланд деҳқонининг маҳоратини,
Қонинга сингдирмоқ билсанг, уятмас.
Темур севган ернинг саховатини,
Бу нўҳна оламга кўз-кўз қилсанг, бас!

Иқрорман, орзулар парвоз қилганда,
Қўшга етажак толмас қўлларинг.
Иқрорман, омадли кунлар келганда,
Жаҳон бозорига чиқар йўлларинг.

Ҳамроқул РИЗО.

янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

САФАР КЕЧИКТИРИЛДИ

● ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Уильям Перри Жанубий Корея ва Японияга сафарини кечиктиришга қарор қилди.

Пентагон тарқатган баёнотда айтилишича, бунинг сабаби Шимолий Ироқда АҚШнинг иккита вертолётн тасодифан уриб туширилгани билан боғлиқ.

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ КУЧЛАРИ ТУЗИЛДИ

● НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти яқин орада 50 мамлакатнинг 70 минг аскаридан иборат «заҳира»даги ҳарбий кучга эга бўлиши мумкин.

БМТ котибиятида ўтказилган брифингда мазкур халқаро тинчликни сақлаш кучларининг тузилиш тартиби ҳақида маълумот тарқатилди, деб хабар беради РАТА—ТАСС.

ЯНА ЯНГИ РАҲБАРМИ?

●ТОКИО. Япония Бош вазири Морихиро Хосокова истеъфога чиққанидан сўнг, унинг ўрнига янги ҳукумат раҳбари сайлаш масаласи мамлакатнинг бугунги снёсий ҳаётини яна алғов-далғов қилиб юборди.

Ҳукмрон етти партия коалициясининг тарқаб кетиш хавфи юзага келди.

АСКАРЛАР ТАҚДИРИ ВАЗИРНИ ТАШВИШЛАНТИРМОҚДА

● ПАРИЖ. Франция ташқи ишлар вазири Ален Жюппе АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер ва Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дуглас Хэрд билан телефон орқали суҳбат чоғида Босния ва Герцеговинадаги вазият тўғрисида гаплашди.

Франция ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, Горажде атрофида қамалда қолган БМТ кучлари таркибидаги 30 нафар француз аскарининг тақдири вазирни беҳад ташвишлантирмоқда.

ДЕЛЕГАЦИЯНИНГ САФАРИ

● ОТТАВА. Лотин Америкаси ва Африка муаммолари бўйича давлат котиби Кристин Стюарт бошчилигидаги Канада делегацияси Жанубий Африка Республикасида ўтадиган ноирқий сайлов жараёнини кузатиш учун жўнаб кетди.

САДДАМ ҲУСАЙННИНГ БАЁНОТИ

● АБУ-ДАБИ. Ўтган ҳафта АҚШнинг икки вертолёти ўз қирувчи самолётлари томонидан Ироқ Курдистони осмонида уриб туширилган эди.

Америка вертолётлари атайин — АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг хуфя режаси бўйича портлатилган, деди Саддам Ҳусайн радио орқали берган баёнотида.

МОТАМ МАРОСИМИ

●АНҚАРА. Туркиянинг жанубида жойлашган Адан шаҳри яқинидаги авиабазада Америка вертолётлари портлаши оқибатида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланган мотам маросими бўлиб ўтди.

Маросимда АҚШ мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Жон Дейч иштирок этди.

БОШ ВАЗИРНИНГ ТАШРИФИ

● БОННН. Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Германия Федератив Республикасига расмий ташриф билан келди.

У ГФР раҳбарияти билан икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар равнақи масаласини муҳокама қилади.

МОЖАРО ЖАНЖАЛГА АЙЛАНДИ

● ВАРШАВА. Президент Лех Валенса билан ҳукмрон мавқедаги парламент ўртасидаги можаро ошкора жанжалга айланди.

Л. Валенса депутатлар конституцияга Президент ҳуқуқини чеклаш ҳақида тузатиш киритсалар парламентни тарқатиб юборажагини очиқ-ойдин маълум қилди.

МАХСУС ВАКИЛНИНГ АЙТГАНИ

НЬЮ-ЙОРК. Собиқ Югославия юзасидан бўлиб ўтган музокараларда АҚШ маъмуриятининг махсус вакили Чарльз Редмэн Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Босния да тинчлик ўрнатишга қодир, деди.

«СТАЛИННИНГ ДАСТАГИ»

● ТОКИО. Япония Компартиясининг собиқ фахрий раиси Садао Носака 1946 йилдан бошлаб узоқ муддат СССР Давлат хавфсизлик қўмитасида «Сталиннинг дастаги» бўлиб ишлаган ва мамлакатдаги коммунистик ҳаракатни назорат қилиб турган экан.

ХУСУСИЙ ИДОРА

● ПЕКИН. Хитой пойтахтида биринчи маротаба хусусий адвокатлик идораси очилди. Унинг хўжайини — 32 яшар Чжан Юнтао Хитойдаги ҳуқуқ-сиёсат институтини бундан ўн йил муқаддам битирган.

МАОШНИ УН БИЛАН ОЛИШДИ

● УЛАН-БАТОР. Баян-Ульги аймоғи касалхонаси ходимлари пул йўқлиги туфайли маошларини... ун билан олишди. Тиббиёт ходимлари қоплар сиртидаги инглиз ва мўғул тилларида «Инсонпарварлик ёрдами» деб ёзилган битикни ўқиб ҳайратда қолдилар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар Воқеалар Хабарлар

• 1994 йил—Мирзо Улуғбек йили

ҒИЁСИДДИН ЁЗГАН ХАТ

Улуғ зотлар тўғрисида кичик бир ҳужжат ҳам улар ҳақидаги тасаввурнинг бойишига хизмат қилади. Улуғ олим, давлат арбоби Улуғбек хизматида бўлган Ғиёсиддин деган бир олимнинг ўз отасига ёзган мактуби ана шундай ҳужжатлардандир.

Туркиядаги Отатурк маданият, тил ва тарих олий Куруми (маркази) 1991 йили профессор Ойдин Сойилийнинг китобини учинчи бор нашр этди. Китобнинг номи бундай: «Улуғбек ва Самарқанддаги илмий фаолият тўғрисида Ғиёсиддин Кошийнинг мактуби». О. Сойилий бу китобда ўша хатнинг форс тилидаги матнини, турк ва инглиз тилларига қилинган таржимасини келтирган ва турк тилида каттагина кириш мақоласи ёзган. Хатнинг қўлёзмаси Теҳронда Сипоҳсолар Жомий кутубхонасида сақланмоқда. Бу хатни Ғиёсиддин ўз отасига йўллаган. Хат Зулқаъда ойининг еттинчи куни ёзилган, аммо йили кўрсатилмаган. Ойдин Сойилий хатнинг ёзилган йили 823—824 йилларга (мелодий 1420) тўғри келади, деб ҳисоблайди. Чунки хатда айтилишича, ҳали Улуғбек расадхонаси қурилиб битганича йўқ экан. Расадхона эса 823 йили (1420 мелодий) қурила бошлаган ва жадал суръатлар билан давом этиб, 824 йилда қурилиб битган.

Ғиёсиддин ўз хатида Улуғбекнинг сифатларини таърифлайди. «Бу вақтда Улуғбек 26—27 ёшларда эди. Етти иқлимга ҳукми ўтадиган ислом подшоҳи Улуғбек донишманд бир кишидир. Улуғбек нақадар виждонли, феъли-хўйи гўзал бир инсон экани очиқ кўриниб туради. У киши шу қадар лутфли, тоза кўнгилли зотдирки, уни таърифлаб ўлтирмоқнинг ҳожати йўқ», — деб ёзилган шу хатда.

Улуғбек Қуръон, тафсирга оид билимларни мукаммал эгаллаган, араб тили сарфи, наҳвини, услуб қоидаларини яхши билади. Қонуншуносликдан чуқур хабардор, мантиқ, адабий санъатлар ва аруз асосларини пухта ўрганган. Математика соҳасида эса у буюк маҳорат эгасидир. Ҳисобда зеҳни жуда ўткир. Кўп миқдорларни хотирда сақлайди ва шу орқали ҳисоб натижаларини чиқаради. Астрономияга оид билимларда ғоят билимдон. У Насриддин Тусийнинг «Тазкира» ва Қутбиддин Шерозий асари «Туҳфа»дан шундай дарс ўтадики, уни ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмайди.

Ғиёсиддиннинг хабар беришича, Улуғбек илмий йиғинлар уюштирар, бу йиғинларда кўпинча ўзи математика ва астрономия назарияси бўйича сўзлар эди. Унинг мадрасада ўтган дарслари чоғида эса қизғин тортишувлар бўлар, устоз ўз талабаларининг эътирозига диққат билан ёндошарди. Ғиёсиддин хабар берадики, Улуғбек болалик йилларида Мерага расадхонасида бўлиб, у билан яқиндан танишган. Ўша вақтлардаёқ болада астрономияга кучли қизиқиш уйғонган. Бу муҳаббат унинг кўнглида ҳаётининг охиригача сақланиб қолган.

Улуғбекнинг ёнида олтмиш-етмиш нафар математика олимлари бўлганлар, яна астрологлар, ҳисоблаш мутахассислари ҳам бор эди. Математика деганда, албатта Ғиёсиддин бу соҳа билан боғлиқ ва унга яқин ихтисослар, жумладан астрономияни ҳам кўзда тутган. Олимлар мадрасаларда уюшганлар. Улар дарс ўтганлар ва илмий фаолият билан шуғулланганлар. Бутун илм аҳли ичида энг пешқадамлари дастлаб Улуғбекнинг ўзи, сўнгра Қозизода ва Али Қушчи бўлганлар...

Хатда келтирилган мисолларга қараганда Ғиёсиддиннинг ўзи ҳам ўшандай олимлар жумласидан бўлиб, у Самарқанддаги расадхона қурилиши режаларини ишлашда маслаҳатлар бериб турган.

Мерага расадхонасида бўлган «Ҳандасий минбар» деб аталган бир асбобни таърифлаб берган.

Шундан сўнг Самарқанд расадхонасида ҳам шу айтилганлар асосида ўшандай керакли асбоблар ўрнатилган.

Бир куни Ҳазрати салтанатпаноҳ Улуғбек ҳузурида Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Маъсудий» китоби ўқилган. Шунда бир масала аниқланмай қолган. Астроном олим Қозизода чуқурроқ ўқиш учун китобни уйига олиб кетган. Икки кундан кейин китобни қайтариб олиб келган ва Ҳазрати салтанатпаноҳга бу китобда нуқсон бор экан, бошқа нусхасини топиб солиштириб кўрмоқ керак, деган. Ҳазрати салтанатпаноҳ Ғиёсиддинга «Қонуни Масъудий»ни берган ва ўша жойни кўриб чиқмоқни топширган. Ғиёсиддин китобдан бир неча сатр ўқиб дарров унинг маъносини тушунтириб берган. Китобнинг ушбу нусхасида ҳеч қандай нуқс йўқлиги маълум бўлган.

Хат муаллифи Ғиёсиддин расадхона қурилишига оид фактлар ва хулосаларни ҳам ёзган. У алоҳида таъкидлаб ўтадики, расадхона қурдирган эски подшоҳлар ҳатто расадхонада қанча кишига эҳтиёж бўлишини ҳам билмас эдилар. Бу ерда эса подшоҳнинг ўзи астороном бўлгани учун расадхона ишига ўзи бош бўлган, унга оид ҳамма нарсани яхши билган ва доим расадхона иши билан шуғулланган.

Ғиёсиддин расадхона қурилишидаги иштироки тўғрисида ҳам хабар бериб, ўзи билан Қозизода ўртасидаги илмий кедишмовчиликларни кўрсатади. Унинг ёзишича, Қозизода Самарқанд олимлари ичида энг пешқадам олимдир. Лекин у назарий астрономияни яхши билади, амалий астрономияда заифроқ. Ғиёсиддин эса ўзини ҳам назарий, ҳам амалий астрономияда етук билимли деб ҳисоблайди.

Аммо у таъкидлаб ўтадики, Қозизода тўғрисида ёзганларимдан бирор киши булар ўртасида ёқимсиз муносабатлар бор экан деб ўйламасин. Аксинча, бизнинг ўртамизда чин дўстлик ва бир-бирини тушунмоқ мавжуддир. У, деб ёзади Ғиёсиддин, менинг устунлигимни тан олади. Ўзи ҳақиқатдан бош тортувчи, бошқаларни тушунмовчи кишилардан эмас. Менинг унинг тўғрисида ёзганларимни ўзи ҳар бир кишига айтиб юради. Билганларини ифода этади, билмаганларини ҳеч иккиланмай бўйнига олади.

Шундан сўнг муаллиф Самарқанддаги Улуғбек қурдираётган расадхона ниҳоясига етаётганидан хабар беради.

Ғиёсиддин ёзадики, Улуғбек ҳамиша илмий масалаларнинг тўғри ечилмоғини талаб қилади. Агар илмий соҳада ҳато фикр туғилган бўлса, бу хатога ким йўл қўйган бўлса ҳам айтилган танбеҳни дарҳол қабул қилади. Чунки, бутун мақсади расадхонадаги илмий ишларнинг чуқур ва пухта бўлишига қаратилган. Ана шундан ҳам бу кишининг нақадар виждонли, гўзал аҳлоқли бир инсон эканлигини кўриш мумкин, у табиатан лутф, марҳаматли, гўзал қалбли, олийжаноб бир зотдир. Агар мадрасада у киши билан бирор толиби илм ўртасида тортишув чиқиб қолгудай бўлса, ўзлари бу баҳсга рағбатлантирадилар. Чунки илмий фикр тоза аниқланмоғи керак. Агар бирор киши муроса ёки келишув йўлига ўтса, бизни илмсиз деб билманг, деб унга танбеҳ қиладилар.

Ҳатто гоҳо дарс чоғида бирор масалани жўрттага нотўғри қўядилар. Агар бирор киши дарҳол унга розилик билдирса, яна ўша янглиш фикрни такрорлайдилар ва уни қувватловчиларга танбеҳ бериб, уларнинг йўл қўйган хатосини тузатадилар.

Ғиёсиддин мактубида Улуғбекнинг расадхона қурилишидаги иштироки, илмий ва мударрислик фаолияти тўғрисида кўпгина қизиқарли маълумот ҳам келтирилган.

Ғиёсиддиннинг ким эканлиги тўғрисида қўлимиздаги маълумотлар ҳозирча етарли эмас. Аммо бу хатда кўринишича, у Улуғбек доирасидаги пешқадам олимлардан бўлган ва Улуғбек расадхонасини яратишда фаол иштирок этган.

Ғиёсиддиннинг бу мактуби Улуғбек замонасида Самарқандда илмий ҳаётнинг қанчалар баланд бўлганлигидан шаҳодат беради. Яна Улуғбекнинг илмий фаолияти ва инсоний фазилатларини ўқувчи кўз олдида яққол гавдалантиради.

Ғиёсиддин Кошийнинг бу мактуби Ўзбекистонда илк бор Д. Юсупова томонидан тадқиқ этилган. Олиманинг «Письмо Гиясаддина Каши к своемо отцу из Самарканда ва Кашан» сарлавҳали мақоласи ва Ғиёсиддин мактубининг форс тилидан рус тилига Д. Юсупова томонидан қилинган таржимаси (Сойилий китобининг иккинчи нашридан) 1979 йили Тошкентда «Фан» нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Из истории науки эпохи Улугбека» китобида нашр этилган.

Муаллифнинг хабар беришича, 1960 йили ушбу мактубнинг форс тилидан инглиз тилига таржимаси эълон қилинган (таржимон Э. Кеннеди). 1963 йили эса Аҳмад Сайид Дамардаш уни инглиз тилидан араб тилига таржима қилиб нашр этган. Ғиёсиддиннинг мактуби ўзбек тилига ҳам таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Хатнинг форс тилидаги асл нусхаси, унинг русча ва ўзбекча таржималари билан бирга яхлит китоб ҳолида нашр этилганда Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига муносиб совға бўлар эди.

Азиз ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Республика Фанлар академияси мухбир аъзоси.

• Матбаачилик

«ШАРҚ» ВА «ЗИГЛОХ» ҲАМКОРЛИГИ

Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида Германиянинг «Зиглох» фирмаси билан китобларни пишиқ муқовалаш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё давлатлари полиграфчи ва ноширлари иштирок этишди. Семинарни «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори Ислом Шоғуломов очиб, жамоанинг бугунги ишлари ҳақида гапирди. «Шарқ» ҳозир Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги кўплаб нашриётлар, қатор хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилаётир. Вақтли нашрлар зарар келтираётган бўлса ҳам турли хил полиграфик маҳсулотлар чиқариш эвазига харажатни қоплаб, фойда кўриш йўллари изланяпти. Бу ишда бизга Германиянинг «Зиглох» фирмаси амалий ёрдам беради, деган умиддамиз. Чунки, мазкур фирма замонавий полиграфик ускуна ва машиналарга эга. Шу билан бирга ходимларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўряпмиз, деди И. Шоғуломов ўз нутқида.

«Зиглох» қандай фирма? Бу ҳақда унинг президенти Гельмут Зиглох йиғилганларга ахборот берди. Германиянинг полиграфия ва ноширчиликка ихтисослашган мазкур фирмаси маҳсулотлари сифатли ва пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради. Фирма чиқараётган ҳажми анча катта китоблар ва чўнтак китобчаларнинг муқоваси унча-мунчага йиртилмайди, пишиқ тайёрланган. Бундай ютуққа замонавий машина-ускуналар ёрдамида эришиш мумкин.

Шунингдек, халқаро семинарда «Зиглох» фирма линияси бўйича китоб чиқариш технологияси муаммолари ҳам муҳокама қилинди. Халқаро семинар иштирокчилари «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни фаолияти билан яқиндан танишдилар ҳамда ўзаро тажриба алмашдилар.

Равшан ШОДИЕВ.

СУРАТЛАРДА: семинардан лавҳалар.

Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

• Луқма

ДОР ЎЙИНИ

Бош ҳисобчи бир идорада 27 йил ишлабди-ю, шу орада оддий ходимликдан молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бўлимининг бошлиғи мартабасигача кўтарилибди. Шу давр мобайнида 9 та раҳбар келиб кетибди-ю, бош ҳисобчи ўз курсисида қоларибди. Албатта, ёмон ишламаганидандир-да!

Бутун ғавғо вазирликка янги одам келишидан бошланди. Орадан нега «қора мушук» ўтган — ҳозир бу нарса бизни қизиқтирмайди. Янги раҳбар қилдан қийиқ ахтариб, тафтиш ўтказди. Лекин жиддий хато топилгани йўқ. У барибир бош бўғолтирнинг «ковушини тўғрилаб» қўйиш пайида бўлди. Ниятига етди ҳам. Ана шундан кейин вазирлик билан бош ҳисобчи ўртасида судга бор-кел бошланди.

Суд чиқарган қарорларга суяниб воқеалар тафсилотини жуда қисқа ва лўнда баён этиб ўтамиз. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди бош бухгалтерни ишдан бўшашга мажбур қилишганини аниқлади ва 1993 йилнинг 13 декабрида уни ишга тиклаш ҳақида қарор чиқарди. Аммо Шайхонтоҳур туман прокурори туман судининг қарори устидан шикоят раддияси (протест) ёзди, Тошкент шаҳар прокуратураси бу раддияни асосланмаган, деб топди ва шу раддия юзасидан ишни тўхтатди.

Шундай қилиб, Шайхонтоҳур туман халқ судининг қарори қонуний кучга кириши, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ҳақидаги қонунлари мажмуасининг 250 ва 251 моддаларига кўра эса суднинг ишга қайта тиклаш тўғрисидаги қарори дарҳол ижро этилиши керак эди. Бироқ қонун тепасида дор ўйини давом этмоқда. Меҳнат вазирлиги бош бухгалтерни ўз лавозимига тиклагани йўқ. Шу вазирлик айби билан ишга чиқмаган вақти учун иш ҳақи ҳам тўлагани йўқ.

Бадъаз калом: энди Шайхонтоҳурдаги суд олишувида даъвогар — Санда Азимова ва жавобгар — Меҳнат вазирининг ўринбосари Оқил Обидов эканлигини эслатиб қўймоқчимиз.

Абдулла ҚУҲАКИЙ.

«МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

«Мулоқот» журналининг янги сони (№ 3—4, 1994) босмадан чиқди. Унинг илк саҳифаси Алишер Навоийнинг баҳорий ғазали билан очилади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати қандай бўлиши ҳақида тушунча ҳосил қилмоқчи бўлган муштарий журналда эълон қилинган олим Музаффар Ражабовнинг «Иқтисодиёт сиёсатдан ҳоли бўлсин» сарлавҳали мақоласини ўқиши мумкин.

Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш соҳасида «Мулоқот» таҳририяти журнал саҳифаларида йил давомида таниқли фан, маданият, давлат ва жамоат арбобларининг таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташлаб, ижодий баҳс, мунозараларга чақирган эди. Журналнинг бу сонида ҳам шу баҳс давом эттирилиб, файласуф олим Ортиқ Ғафоевнинг «Миллатимиз бойлиги» мақоласи эълон қилинган.

Абдураззоқ Каримнинг «Томорқа — тўкинлик манбаи» сарлавҳали мақоласида деҳқонларнинг ҳозирги аҳволи, уларнинг қувонч ва ташвишлари, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолари кўтарилган.

Жиззах вилоятидаги «Оқолтин» давлат хўжалиги директори Раҳим Эсонқулов билан журналист Рашид Рауповнинг «Мустақиллик деҳқонга имкон беради» сарлавҳали суҳбатида ҳам қишлоқ хўжалигини истиқболли соҳага айлантириш ҳақида сўз боради.

Журнал саҳифасида ургутлик меъморларнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи Абдусаид Нурбоевнинг «Ургут меъморлари» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Шунингдек, ушбу сонда «Навоийнома» чоркитоби учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти билан тақдирланган Барот Бойқобиловнинг шеърлари эълон қилинган.

Шунингдек, «Мулоқот» дафнасида турли ажойибот ва ғаройиботлар ҳақида ёзилган.

• Футбол

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Ватанимиз пойтахтида қарийб ўн кун давом этган халқаро турнир мамлакатда футболни ривожлантириш ҳамда она-юртимиз халқаро доврўғини ошириш йўлида ташланган улуғ қадам бўлди. Марказий Осиё республикалари терма жамоалари ўртасида илк марта ташкил этилган бу мусобақанинг Тошкентда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Боиси, юртбошимиз спортнинг халқ севган турига раҳнамолик қилмоқдалар. Футболни янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида қарор қабул қилинган. Мустақил диёримиз доврўғини ошириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинишига кенг имкониятлар яратилган.

Халқаро турнирнинг қимматли тарафи шундаки, мусобақа Халқаро футбол уюшмаси ва Осиё футбол конфедерацияси назорати остида ўтказилди. Тошкентга меҳмон бўлиб келган Халқаро футбол федерациясининг вице-президенти Ж. Жозеф билан Осиё футбол конфедерацияси ҳакамлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Б. Раманнах Ўзбекистонда футболга алоҳида эътибор берилаётгани, спортнинг бу турига катта қизиқиш билан қаралиши ва халқаро талабларга мос учрашувларни ўтказиш учун шарт-шароитлар етарли эканини эътироф этдилар. Шунингдек , халқаро турнирга тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг ишларидан мамнуният ҳосил қилдилар.

Тошкент халқаро турнири Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш, оммавийликни таъминлаш, моҳир футболчилар сафини кенгайтириш йўлида бошланган амалий ишларнинг дебочасидир. Ўйлаймизки, яқин келажакда мустақил юртимиз футболчилари жаҳон майдонларида жавлон уриб, дилга Ватан туйғусини жо қилиб серқуёш мамлакатимиз нуфузини оширишга ҳисса қўшадилар. Мухлислар халқаро турнир кезлари юртимизга катта футбол келганини ҳис этиб, қувончларга тўлдилар. Энди ишқибозлар май ойида бошланадиган Марказий Осиё республикалари ёшлар терма жамоаларининг жаҳон чемпионати саралаш ўйинларини кўришга чоғланмоқдалар. Бу мусобақа Тошкентда ўтказилса, ўсмирлар терма жамоалари ўртасидаги саралаш ўйинлари Алматида ташкил этилади.

Ўзбекистон футбол тарихига алоҳида саҳифа бўлиб кирадиган Тошкент турнирида эса майдон эгалари мусобақага пухта ҳозирлик кўришганини намойиш этдилар. Рустам Акрамов бошчилигидаги футболчиларимиз Туркманистон (4:0), Қозоғистон (1:0), Тожикистон (1:1), Қирғизистон (3:0) жамоалари билан учрашувларда маҳорат кўрсатиб, жами 7 та очко тўплашди. Учрашувларни мағлубиятсиз ўтказган футболчиларимиз халқаро турнирнинг ғолиби бўлишди. «Копетдоғ» футболчиларидан иборат Туркманистон терма жамоаси ҳам совринли ўринга астойдил даъвогарликни ўрнига қўйди. Улар 5 та очко билан иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўринни олган Қозоғистон футболчилари тўртта очко билан қаноатландилар. Тожикистон терма жамоасида учта, қирғиз футболчиларида битта очко тўпланди.

Халқаро турнирнинг тантанали ёпилиши ҳам ўзига хос футбол байрамига айланди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Республика футбол уюшмаси раиси А. Муталов халқаро турнир иштирокчиларини табриклаб, футболни ривожлантириш йўлида уларга муваффақият тилади, спорт ҳалқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканини эътироф этди. У бош мукофотни Ўзбекистон терма жамоасига тантанали суратда топширди. Турли жамоалар томонидан таъсис этилган «Энг чаққон футболчи», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши дарвозабон», ва «Моҳир тўпурар» деган совринлар ҳам эгасини топди. Минглаб ишқибозлар эса шу куни унутилмас таассуротлар билан қайтдилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

• Маданият янгиликлари

«ОҚ КАБУТАРЛАР ОСМОНИ»

● Ашула ва рақс дасталарининг янги дастурларини мухлислар доимо самимий кутиб олишади. Ана шундайлардан бири Нукус шаҳар маданият уйи қошидаги «Сарвиноз» ашула ва рақс дастасидир.

Жамоа тайёрлаган «Оқ кабутарлар осмони» деб номланган янги концерт дастури дўстлик, нафосат, гўзалликни тараннум этганлиги билан барчага манзур бўлмоқда. Қорақалпоқ оммавий рақсларидан «Назалим», ўзбекча «Чеҳра», қозоқча «Кууа бол», «Бухоро гўзаллари», туркманча куй-ўйноқлар концертга файз бағишлаяпти. Ижодий жамоа мазкур янги дастурни республика бўйлаб ўтказиладиган гастрол сафарида ҳам намойиш этмоқчи.

МОМОЛАР ҚУШИҚ АЙТСИН ЭКАН...

● Куни кеча Қарши туманидаги «Момогул» фольклор ансамбли «Момолар куйлаганда» деб номланган янги концерт томошаси билан шинавандалар ҳузурига чиқди.

Пичоқ, қошиқ, ликоп, чойнак ўйинлари, ота-боболаримиз, момоларимизнан мерос қолган қадим наволар барчага бирдек манзур бўлди. Дастурни ансамблнинг бадиий раҳбарлари Муқаддам Маҳмудова, Нодирахон Саидаминовалар саҳналаштирганлар. Момогул Темирова, Майсарахон Бўронова, Гулнора Элбекова, Момогул Аҳмедова ва бошқалар талқинидаги қадриятларимиз ўз аксини топган томошали дастурлар олқишлар билан кутиб олинмоқда.

МАРҒИЛОНДАН ЭШИТИНГ

● Марғилон шаҳар маданият уйининг «Чодир жамоа» фольклор-этнографик дастаси «Шарқ бозори» деб номланган янги дастур тайёрлади.

Шарқ бозорларининг тароватли, кишиларнинг саммийлиги, маҳорат билан саҳнага олиб чиқилган. Дастурни режиссёр Ҳотамжон Тешабоев саҳналаштирган. Томошада ансамбль иштирокчиларидан Шерали Нурматов, Баҳодир Мамажонов, Одина Болтабоевалар ижросидаги куй ва қўшиқлар, мафтункор рақслар, турли тоифадаги образлар илиқ кутиб олинди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ҚОИДАБУЗАРЛИККА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК

Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилаётганидан хунук воқеалар содир бўлмоқда. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун нималар қилмоқ керак?! Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси оммавий ахборот воситалари вакиллари билан шу хусусда матбуот конференциясини ўтказди.

Унда асосан йўл ҳаракати қоидаларини бузаётганларга кескин чора ва тадбирлар қўллаш кераклиги ҳақида сўз борди.

Пойтахт йўлларида қоидабузарлик кун сайин ошиб кетаётганлигини ДАН ходимлари ачиниб гапиришди. Биргина мисол. 1993 йил давомида ДАН ходимлари шаҳримиз кўчаларида рўй берган 214 мингта қоидабузарликка чек қўйишди. Шу йилнинг биринчи чорагида эса бу кўрсаткич 59 мингдан ошди. Жумладан 1212 та транспортни маст ҳолатда бошқариш, 6051 та тезликни ошириш, 14.870 та йўл белгиларига бўйсунмаслик, 6.972 та транспорт воситасини ҳужжатсиз бошқариш, 14.996 та чорраҳадан ўтиш қоидасини бузиш ва йўлчироқ талабларига бўйсунмаслик каби қоидабузарликлар аниқланди.

Совуққонлик билан автомобилни бошқариш кўпларнинг ҳаётига завол бўлаётганини айтиб ўтиш лозим. 1993 йилда 2.393 та йўлтранспорт қоидабузарлиги юз бериб, улардан 208 киши ҳалок бўлди, 2660 киши турли даражада тан жароҳати олди. Бу йил интизомсизлик оқибатида 457 та йўл ҳодисаси содир этилди. Натижада 40 киши дунёдан бевақт кўз юмди. 400 га яқини эса тан жароҳати олди.

Жудолик одам қалбини тилка-пора қилишини ҳаммамиз ҳам тушунамиз. Фалокат туфайли бандаликни бажо келтирганларнинг бири акамиз, бири ука ёки қариндошимиз бўлишини ҳеч ёддан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунга келиб шаҳримиз йўлларининг носозлиги ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Транспортларнинг йўл четига чиқиб кетиш ҳоллари шу тариқа юз бермоқда. Авариялар содир бўляпти.

ДАН ходимларини ташвишга солаётган яна бир ҳол бор. Истироҳат боғларига машиналарида кираётган баъзи тижоратчилар дам олувчиларнинг асабларини бузишяпти.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва бепарволик илдизини кесишда матбуотчилар билан ДАН ходимлари ҳамжиҳат бўлиб ишлашлари зарурлиги келишиб олинди.

Комил УЛУҒ.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

ЗАВҚБАХШ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

7—8 май кунлари Жиззах вилоятининг Фориш туманида республика Миллий спорт ва халқ ўйинлари фестивали бўлиб ўтади.

Яқинда фестивал ўтказиладиган жой — Нурота тизма тоғларининг Қизилқир бағрида ўтказилган миллий спорт ва халқ ўйинлари вилоят мусобақаси ана шу фестивалда тайёргарлик машқ-кўригига айланди. Мусобақада вилоятнинг ўн икки туманидан чаққон, абжир спортчилар, моҳир санъаткорлар иштирок этдилар. Улар спорт ва халқ ўйинларининг «Чавандоз» «Олиб қочиш», «Қирқтош», «Бўрон» ва «Тортишмачоқ» каби ўндан ортиқ турлари бўйича беллашдилар.

Мусобақалар якунида Фориш тумани жамоаси биринчи, Жиззах тумани вакиллари иккинчи ва пахтакорликлар учинчи ўринни олдилар.

Республика Миллий спорт ва халқ ўйинлари фестивалини ўтказиш қўмитаси раиси Ш. Б. Чилгашев ва Фориш тумани ҳокими Э. Н. Қозоқовлар мусобақа ғолибларини қутлаб, совринлар топширдилар.

ЖИЗЗАХДА МОТОПОЙГА

● Шу йилнинг май ойида Жиззах вилояти «Жиззах ҳақиқати» ва «Джизакская правда» газеталари чиқа бошлаганига 20 йил тўлади. Вилоят ҳокимлиги ва газеталар жамоалари ана шу муҳим санани муносиб нишонлашга қаратилган қатор оммавий тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Шулардан бири яқинда газеталар совринни учун анъанавий XVI халқаро мотоциклчилар пойгаси ўтказилганидир. Пойгада республикамиз вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қозоғистон Республикаси мотоциклчилар командалари қатнашдилар.

Пойга Наврўзбулоқ сайлгоҳида ўтказилди. Ўтган йилги ғолиблар — Навоий вилояти мотоциклчилар жамоаси республикамиз мадҳияси садолари остида мусобақа байроғини кўтардилар. Шундан сўнг вилоят ҳокими ўринбосари Байрам Узоқов мусобақани очиб, ташриф буюрганларни қизғин қутлади.

Икки кун давом этган мардлик ва чаққонлик синовида бу гал ҳам Навоий вилояти командаси биринчи, Жиззах вилояти жамоаси иккинчи ва Тошкент шаҳри вакиллари учинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақа майдони тоғ-адирли, ниҳоятда мураккаб бўлишига қарамай, қизиқарли, тасодифларсиз ўтди. Бироқ, Андижон, Наманган, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари пойгачилари келмаганлиги сабабли уларнинг ўринлари билиниб турди.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент халқ хўжалиги институтини 1981 йилда битирган бир гуруҳ курсдошлар номидан Сурхондарё вилояти Термиз туманида истиқомат қилувчи Қиличевлар оиласига Ҳакимжон ҚИЛИЧЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва умум муҳандислик ўқув маркази факультети жамоаси кимё кафедрасининг доценти Шаженов Абат Аметовичга онаси Ҳадича НУРИМБЕТОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисоднёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г — 890 тир. 85501.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Р. ШОДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. топширилди — 22.00. 123456.